

Ҳадис дарслари (55-дарс). Иймоннинг мукамал бўлиши учун тавсия



19:30 / 16.10.2019 7181

Имом Абу Довуднинг ривоятида келган, иймоннинг мукамал бўлиши учун лозим бўлган амаллар қуйидагилардан иборат:

1. Аллоҳ учун муҳаббат қилиш.

Кимга ёки нимага муҳаббат қиладиган бўлса, Аллоҳ учун муҳаббат қилган кишигина иймонининг мукамал бўлишидан умид қилса бўлади. Бировга муҳаббат қиладиган бўлса, ўша одам Аллоҳнинг амрида юрганлиги учун, Аллоҳга иймони борлиги учун, Аллоҳга ибодат қилиб яшаётганлиги учун Аллоҳни севади, Унга муҳаббат қилади. Бунга бошқа ғараз, мақсад аралашиб қолса, муҳаббат Аллоҳ учун бўлмай қолади. Шунингдек, бирор ишни, гуруҳни, жамоатни ва шунга ўхшаган нарсаларни яхши кўриш ҳам Аллоҳ учун бўлгандагина муҳаббат эгаси ўз иймонининг мукамал бўлишидан умид қилса бўлади.

2. Аллоҳ учун ёмон кўриш.

Кимни ёки нимани ёмон кўрса, Аллоҳ учун ёмон кўрадиган кишигина иймонини мукамал бўлишидан умид қилса бўлади. Бировни ёмон кўрадиган бўлса, ўша одам Аллоҳнинг амрида юрмагани учун, Аллоҳнинг дийнига амал қилмагани учун, гуноҳ ишларни қилгани учун ёмон кўради. Бошқа сабабдан ёмон кўриш эса мумкин эмас. Шунингдек, бирор ишни,

гуруҳни ёки шунга ўхшаш нарсаларни ҳам Аллоҳ учун, Аллоҳнинг таълимотларига тескари бўлгани учун ёмон кўрган одамгина иймони мукамал бўлишидан умид қилса бўлади.

3. Аллоҳ учун бериш.

Бунга моддий, маънавий ҳамма нарсалар киради. Бировга бир яхшилик қилса, Аллоҳ учун, ўша яхшиликдан манфаатдор одам ҳам Аллоҳнинг йўлида юргани учун қилсагина иймони мукамал бўлиши учун ҳаракат қилган бўлади. Демак, мусулмон одам ўзгаларга моддий ва маънавий атолар бериш пайтида фақат Аллоҳ таолонинг розилигини кўзлаб иш тутса, иймони комиллиги учун интиланган бўлади.

4. Аллоҳ учун ман қилиш.

Бунга моддий, маънавий ҳамма нарсалар дохилдир. Бировдан бир нарсани ман қилса, фақат Аллоҳ учун, ўша иш Аллоҳнинг амрига тўғри келмаганлиги учун, ўша шахс Аллоҳнинг амрида юрмагани учун бериладиган нарсани ман қилиши керак.

Ушбу ҳадисдан олинандиган фойдалар матннинг ўзида очиқ-ойдин кўриниб турибди. Иймоннинг таъмини тотмоқ учун:

1. Аллоҳни Робб деб рози бўлмоқ.
2. Исломни дин деб рози бўлмоқ.
3. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни Расул деб рози бўлмоқ керак.

Иймоннинг мукамал бўлмоғи учун:

1. Аллоҳ учун муҳаббат қилмоқ.
2. Аллоҳ учун ёмон кўрмоқ.
3. Аллоҳ учун бермоқ.
4. Аллоҳ учун ман қилмоқ керак.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан